

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУҚМ

2022 йил 14 апрель куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья М.Абидовнинг раислигида, М.Бозоровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Солихов, судланувчи Х.Ниғматов ва унинг ҳимоячиси “OLMAZOR HUQUQ” адвокатлик фирмаси адвокати Б.Джўраевнинг иштирокида, Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғлига нисбатан 1-1008-2203/63-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғли (NIG'MATOV XAMIDULLA SHUXRATJON O'G'LI), 2002 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон 18 берк кўчаси, 7-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2022 йил 1 мартдаги ажрими билан қидирув эълон қилинган ва эҳтиёт чораси қамоққа олиш турига ўзгартирилган, 2022 йил 8 мартдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 18 март куни олган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғли, 2021 йил 28 ноябрь куни соат 17:30 ларда, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 340-уйда жойлашган “Car Wash” номли автомашиналар ювиш шаҳобчаси олдида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан безорилик оқибатида, Обидов Азамат Хайрулла ўғли билан жанжаллашиб, ёнида бўлган йиғма пичоқ билан уни чап оёқ сонига уриб, унга соғлиғини қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Судланувчи Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғли суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 340-уйда жойлашган “Car Wash” номли автомашиналар ювиш шаҳобчаси ёнидаги автодўконда норасмий сотувчи бўлиб ишлашини, А.Обидовни танимаслигини, фақатгина машина ювиш шаҳобчасида ишлашини билишини, 2021 йил 28 ноябрь куни соат 17:30 ларда, раҳбари Омон ака унга автомойкада иш бошқарувчи Мухаммадалига ишчилари атрофни



тозалаб, ойналарни артиб кетишларини айтишини айтганлигини, шунда у Мухаммадалига Омон акани гапини айтганлигини, Мухаммадали бу ишни Обидов Азаматга буюрганида, Азамат бу ишни қилмаслигини айтгани учун у Азаматга раҳбарни топшириғини айтганлигини, Азамат бу ишни қилмаслигини яна айтиб, уни ҳақорат қилганлигини, шунда уни жахли чиқиб, Азамат билан жанжаллашиб қолганлигини ва ёнида бўлган йиғма пичоқ билан уни чап оёқ сонига уриб унга тан жароҳати етказганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суд жараёнида ота-онаси жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплашганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Обидов Азамат Хайрулла ўғли суд мажлисида, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 340-уйда жойлашган “Car Wash” номли машина ювиш шаҳобчасида ўқишдан бўш вақтларида ишлашини, шаҳобчада иш бошқарувчи М.Ниёзбоев эканлигини, Х.Ниғматов автодўконда сотувчи бўлиб ишлашини билишини, 2021 йил 28 ноябрь куни соат 17:30 ларда, Х.Ниғматов иш бошқарувчи М.Ниёзбоевга шаҳобчани ёнларини тозалаб, ойналарини ювиш кераклигини айтганлигини, М.Ниёзбоев ушбу ишларни унга айтганлигини, у М.Ниёзбоевга вақти йўқлигини билдирганлигини, кейин Х.Ниғматов келиб унга шу ишни қилишини айтганида, у билан жанжаллашиб кетишганлигини, шунда Х.Ниғматов ёнидан йиғма пичоқ олиб чап оёқ сонига тикиб олганлигини, сўнг у шифохонага мурожаат қилганлигини, дори-дармон олишга сарфланган 2.500.000 сўм пуллар суд жараёнида Х.Ниғматовни ота-онаси томонидан қопланганлигини, шу сабабли унинг Х.Ниғматовга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ниёзбоев Мухаммад Али Абдужаббор ўғли суд мажлисида Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган “Car Wash” номли машина ювиш шаҳобчасида иш бошқарувчи бўлиб ишлашини, Х.Ниғматов шаҳобча ёнидаги автодўконда норасмий сотувчи бўлиб ишлашини, А.Обидов ушбу автомойкада ишлашини, 2021 йил 28 ноябрь куни соат 17:30 ларда, Х.Ниғматов шаҳобчани ёнларини тозалаб, ойналарини ювиш кераклигини айтганлигини, ушбу ишларни у А.Обидовга айтган вақтида, А.Обидов вақти йўқлигини, бу ишлар унга айтилмаганини айтганлигини, шунда ёнида Х.Ниғматов бўлганлигини, Х.Ниғматов А.Обидов билан жанжаллашиб кетишганлигини, Х.Ниғматов ёнида бўлган йиғма пичоқни олиб А.Обидовнинг чап оёқ сонига тикиб олганлигини, воқеа жуда тез бўлгани учун уларни ажратишга улгурмаганлигини, сўнг А.Обидовни шифохонага олиб кетишганини кўрганлигини билдирди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 7 декабрдаги 7940-Х-Руз сонли хулосасига кўра, А.Обидов соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил даражадаги тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Судланувчи Х.Ниғматовнинг айби унинг ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари ва юқорида келтирилган далиллардан



ташқари, аризалар, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд судланувчи Х.Ниғматовнинг жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, совуқ қуролдан фойдаланиб, баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Х.Ниғматовга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг шахсини, ёшини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шу билан бирга, суд Х.Ниғматовнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан 2022 йилнинг 8 мартдан 14 апрелга қадар 27 кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғли (NIG'MATOV XAMIDULLA SHUXRATJON O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ниғматов Хамидулла Шухратжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибда 27 кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан 27 кунни чегириб, ўташ учун 1 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.



Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБга юклатилсин.

Х.Ниғматовга озодликни чеклаш жазосини яшаш жойида соат 21:00 дан 7:00 га қадар ўташ белгилансин.

Х.Ниғматовга ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг яшаш жойини ҳукмнинг ижросини назорат қилувчи орган рухсатисиз ўзгартирмаслик, муайян жойлар – чойхона, кафе, бар, ресторанларга бормаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик тақиқлари юклатилсин.

Х.Ниғматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисми талаблари, яъни озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.

Х.Ниғматовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар унга муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўллансин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

М.Абидов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

